

Узбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Талабчанлик унутилгач...

Тошкент трамвай-троллейбус йўналиш чикариш бошкармасининг 2-троллейбус депозита эксплуатация бўлими партия группасининг ҳисобот-салоҳи йилгилиши иккинчи хил ошқоралик руҳида ўтди. Йилгилишида 21 нафар коммунистдан фақат 11 нафари қатнашди, 11 нафар коммунист номаълум сабабларга қўра қатнашмади.

Тошкент трамвай-троллейбус йўналиш чикариш бошкармасининг 2-троллейбус депозита эксплуатация бўлими партия группасининг ҳисобот-салоҳи йилгилиши иккинчи хил ошқоралик руҳида ўтди. Йилгилишида 21 нафар коммунистдан фақат 11 нафари қатнашди, 11 нафар коммунист номаълум сабабларга қўра қатнашмади.

Сув тозалаш иншооти

Тошкент қозғош комбинати коллективи бу йил мактаб ўқувчилари ва ўқув юртлири студентларини ўз меҳнати билан бироз мамнун этди.

Ибратли тадбир

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ва комсомол комитетлари ВЛКСМнинг 70 йиллигига атаб ибратли тадбирини амалга оширди.

Муносиб туҳфа

Узбекистон Коммунист партияси Марказий Комитети келгуси йилда буюк тожик классик шоири, алломи ва мутафаккири Абдураҳмон Ҷомий таваллудининг 575 йиллигини республикада кенг нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Архив фонди бойимоқда

Узбекистон ССР Фанлар академияси Х. С. Сулеймонов номидаги Кўлбаслар институтининг совет ёзувчилари архиви ноёб ҳужжатлар билан бойиб бормоқда.

ЗАМОНДОШИМИЗ



Зулфиянинг табассуми

Ушбу суратга қараб ҳар ким ҳар хил фикр билдириши мумкин. Ёшлар «Гўзал» дейишлари, кексалар «Исми жинсига монанд экан» дебон ташбеҳга берилишлари мумкин.

«Ишончли мулоқот»

«...Алло, шундай таклифим бор...»

Газета ва газетхон ўртасидаги ишончли мулоқот ҳафтапар ўтган сайин тобора амалий, ишчилик руҳи касб этиб борапти. Бунин «Ишончли мулоқот»га қўллаб қўйишроқлар яна бир бор қайта қўрсатади.

Сўнгги соатда

ТАСС ХАВАРЛАРИ ВА МАРКАЗИЙ МАТВУОТ САҲИФАЛАРИДАН

Мехико. Мексиканинг ҳуқуқдон Институти-революцион партиясининг номзоди Карлос Салинас де Готари олти йил муддатга расмий равишда мамлакатнинг янги президенти, деб эълон қилинди.

Пойтахтимизга Қозогистон санъаткорлари шу ҳафтада меҳмон бўлиб келишади. Улар Ватанимиз пойтахти Москвадаги гастролларини ниҳоятда етказиб, ўзбек томошабинларига меҳмонлик қўрсатиш ниятида.

Қозогистон ССР халқ артисти, Қозогистон Ленин комсомли мукофоти лауреати, бир қанча халқроқ концертларини лауреати моҳир қўшиқчи Роза Римбоева қўшиқчи ва янграқ овози ўзбек томошабинларига яхши таниш. У республикада уч марта гастрол сафарига бўлган. Санъаткор репертуаридан ўзини олган қўшиқларда қардош ўлка йўловларининг беповайлиги, қозоқ аёлларининг дилбарлиги, она ўлка кишиларининг савоати тарануми эди.

Роза Римбоева бошчилигидаги қозоқ санъаткорлари концертига «Аррей» вокаль-олга ансамбли жўр бўлади. Концерт В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида 15, 16, 17, 18-сентябрь кўнлари ўтказилади.

ҚАХРАМОН ОНА ХУРМАТИ

Бирлик массивида истиқомат қилувчи Насиба ва Абдулатиф Қаюмовлар оиласи оддий совет кишиларининг ёрқин тинчлигида. Бу хонадонда 11 фарзанд тарбиялаб оғил-қизларимиз. Уларни маҳалла-қўш кўйи хурмат қилади. Насиба опа «Чевар» бирлашмасида тинчуви. Тўрмуш ўртоғи Абдулатиф опа 35-хунар-техника билим йўтида ўқитувчи. Бу хонадон барча оила аъзолари билан 17 сентябрь кўни соат 18 да «Еш гвардия» театрига хурматли меҳмон сифатида тақдир қилинган. Маросим эгалари томошабинларга ўзларининг турмуш ҳақида гапириб берадилар. Шундан кейин бу оила шарофига «Майсарини» спектакли намойиш этилади.

УН УЧИНЧИ МАВСУМ

Шу ҳафтада «Илҳом» театр студияси ўзининг анъанавий мавсумини бошлади. Коллектив томошабинларга янги «Клодеус» спектаклини тақдир қилади. Бу асарни 17—18 сентябрь кўнлари томоша қилиш мумкин.

Театр коллективи томошабинларни мамун этиш мақсадида шу ойнанинг охирига И. Радиковнинг «Биз чумчулар» спектаклини намойиш этишга ҳозирлик қўймоқда. Бу асар ўтган мавсумда СССРда бўлиб ўтган болгар драматургия фестивалида учинчи даражали диплом билан тақдирланган эди. Ушундан театр студиясининг артисти З. Мўминов энг яхши актёрлик ижраларини учун дипломи билан тақдирланган.

БИЛИМЛАР УЙИДА

Тошкентдаги «Билимлар уйида» мўназам ишлаб турган «Орфей» ижодий библиотекаси коллектив ҳам ўзининг мавсумини бошлади. Бу масканда «Бир актёрнинг таъри» номи остида адабий кечалар ўтказилиши мўжламлимоқда. Уларда Москва театрларининг артистлари ижросида спектакллар намойиш қилинади.

17 сентябрь кўни соат 18 ва 20 дан 30 минут ўтганда москвалик санъаткорлар Владимир Березов, Владимир Кабегер ва Александр Мирзаялар билан учрашув бўлади.

«ҚҶШҚИНОР ЧИРОҚЛАРИ»

«Лев Николаевич Толстой асарлари баъимсоли қозғашайди, чейнаган санъатнинг мазаси чиқарилган», деган эди Абдулла Қаҳҳор. Бу фикр айна пайтада адабнинг ижодига маҳоратига ҳам таллуқлиқлар. Абдулла Қаҳҳор асарларини қайта-қайта ўқиганимиз сари ва унинг пьесалари бўйича тайёрланган спектакллари қанчалик кўрганимиз сари унинг маҳоратига тен бераверимиз.

Ўзбекистон телевидениесининг адабий-драматик кўрсатувлар бош редакцияси Абдулла Қаҳҳорнинг яна бир асарини томошабинлар диққатига ҳавола этидиган бўлди. «Қўшқинор чироқлари» романи асосида тайёрланган андифильмда Улуғ Ватан уруши йилларидан олдин бўлиб ўтган коллективлаштириш даври воқеалари ҳикоя қилинади. Видефильм 16 сентябрдан бошлаб ўш кўн давомида соат 22 дан 25 минут ўтганда бошлаб намойиш қилинади.

А. ПУЛАТОВ.

Корректор дафтаридан

- Чарм ҳаё.
- Совуз — тарзу.
- Финишта етим келди.
- Хамир ичидан атир.
- Ишламаган қишламайд.
- Чўл — хиебонларни туғатайлик.
- Бой тойга боқар, сув лойга оқар.
- Тахтадай майин.
- Анишев САДУЛЛАЕВ.



ЛЕНИНГРАД. Польшалик томошабинлар шу йил кўзда Ленинграддаги «Эксперимент» театрининг энг яхши асарларидан бири — «Балаган» («Масхарабозлик») моноспектаклини томоша қиладилар. Уни коллективнинг бадиий раҳбари — РСФСРда хизмат кўрсатган артист, спектаклдаги ўндай зийд ролларини ижро этувчи Винтор Харитонов саҳналаштирди. Ленинградликлар мазкур спектаклни биродарлашган шаҳар — Гданьскдаги «Вибжение» театри саҳнасида ижро этидилар. Шу ернинг ўзиде Энгимунд Хюбернинг «Императорнинг одамлари» спектакли биринчида репетиция қилинади. Спектаклга режиссёр сифатида поляк Шташен Михальсини таълиф этилган. Спектаклнинг



премьераси эса Ленинградда, мавсум очилишида кўрсатилади. «Эксперимент» бу йилги мавсумда Ленинград саҳнасида ўз спектакллари мўваффақият билан намойиш этган Варшава-нинг «Стара Прохонья» театри билан ҳам алоқаларни йўлга қўймоқда.

СУРАТЛАРДА: «Стара Прохонья» билан «Эксперимент»нинг Ленинграддаги учрашуви; Винтор Харитонов (чапда) ва Вадим Ривкин «Балаган» спектаклида.

Ю. Белинский фотолари, ТАСС фотохроникаси.

Қайсин ҚҶЛИЕВ, СССР Давлат мукофоти лауреати.

Худди йўқдай душманингиз ҳеч
Рўйи заминда!
Ҳамма тенгдир ухлаган
Кезда,
Бола қаби ширин ҳар киши.
Бошингизга турларингизда
Қўйсин бахт қўши
Тўшингизга қўйсин роса,
Шодликлардан қўйсин
Энтикиб,
Викторнингиз бўлса топ-тоза,
Ухланг мириқиб!
Русчадан
Асрор МУМИНОВ
таржимаси.

Салим ЖАБРОН,
Фаластин.

Алла
Ухланг эялар, хайрли кеч
сизга,
Ухланг еллар ва шабадалар,
Ухланг суялар бурканиб
музга,
Ухланг, даралар!
Тоғлардаги басир кўчклар,
Ухланг, элга келтирманг
офат.
Бўғотдаги музлик урчуқлар,
Ухланг бевақ!
Чарчагансан тоғлар йўлида,
Не қилса ҳам йўлимиз ёмон.

Қийматли оғам олдида,
Ухла, қадрдон!
Қотиб ухла жамини кулфат,
Одамларини куйдирма доғда.
Ухланг ўқлар абадул-абад
Ўндон-садоқда!
Улим сен ҳам чўзим, ором
ол,
Кексаларини ўз ҳолига қўй.
Маст ўқунинг оғушда қол,
Емон инят-ўй!
Ухланг эялар, вақт ҳам
бўлди кеч.
Кекса-ю ёш ухланг бу-тунда,

Она қишлоқни соғинганда

Мен сенинг маванган қип-қизил пишган,
Чопқир шамолларинг эришсан бахт.
Усган шоқларини этсам агар тарк.
Бахтли бўламиз, қадрдон дарахт!
Сарсонлида қолдан тойдим оғим,
Қадрдон илҳиздан кетди кўп йироқ,
Гўрбатда қичларанг ёлғизман ёлғиз,
Олмасларда қолган эй она қишлоқ!
Болларингиза бўқун етилган олу,
Теллақларингиза ястанган туман.
Ушбу манзарани унутсан у чоқ,
Бахтсизлигимиз ўша бўлар бегумон.

Шарқираб ўйнаган чашман гулёр
Суяларидан қониб ичаринкаман.
Қалбим куш жисоли таллинлар юртим
Онақоним, сен кучарканкаман!
Қанчики етиса ул дари қазо,
Бегона ерларга сингласин жонлар!
Қадрдон тўпироқда элтинг ҳоқимин:
Майсаларга кўним, дўстлар, ёронлар!

Русчадан
Темур УБАЙДУЛЛО
таржимаси.

Маркеснинг биринчи пьесаси

Машҳур адиб Габриель Гарсиа Маркес интервьюларининг бирида шундай деган эди: «Мен ўзимни театрда синаб кўрмоқчиман. Театр ҳақида диққатини тўртта келган. Шундай бахтиёр кўн келадими, мен албатта пьеса ёзаман».

Ниҳоят Маркеснинг биринчи пьесаси ёзилди. У «Ўтирган кишининг юзига айтилган севи ҳақида нутқ» деб номланди. Унинг ёзиллигининг ўзига хос тарихи бор, албатта.

1986 йилда колумбиялик адиб «Сехрлар аёл» спектаклини томоша қилади. Спектаклдаги бош ролни аргентиналик актриса Габриэла Дюффо ижро этади. Шу актриса учун махсус пьеса ёзиш Маркеснинг қалбига маҳкам ўрнашиб қолди. Орадан бир қанча вақт ўтиб Маркес Аргентинага, Буэнос-Айресга телефон қилиб, пьеса битганини хабар қилади. Бахтин қарангки, Маркес қўнғир қилган кўни Дюффо яқинларига, қаринош-уруғларига ўзининг саҳнада кетаяганини маълум қилганда, Маркеснинг илтимо сига эса машҳур актриса йўқ дейлади: у Гаваанага учиб келди. Шундай қилиб репетициялар қилиб кетди.

«Муҳаббат ҳақида нутқ» пьеса-монологиди. Унинг бош қаҳрамони бизга замонаш аёл. Колумбиянинг қўнша шаҳарларидан бири Картагенада яшайди. Кўмуш тўй кўни эрига муножаат қилиб, ўтган кўнларини эслади. Таъки қўнлишидан уларнинг ҳаёти бахтли, гўзал қўнлиди. Фақат Ингирма беш йилдан кейингина аёл чин муҳаббатни кўрмаганлигини, билмаганлигини ҳис этади.

Габриэла Дюффо кучли ва мураккаб характерли аёл образини яратди. У мағрур, халқ сарса ҳам унга қаттиқ тасвир кўрсатиши мумкин. Лекин унинг ҳаётий позицияси оиласига содиқлиги, бурча саноқати билан белгиланади.

Спектакль премьераси эзда Буэнос-Айресда бўлиб ўтди.

Кутилган китоб

Бундан бир неча йиллар аввал Германия Демократик Республикасида машҳур адиб Алфред Веллман янги «Мориско» романидан ўш мўжизаларига парчалар ўқиб берган эди. Фақатгина ўтган йилнинг охиридагина роман босилиб чиқди. Автор роман устида ўш йил ишлади.

Роман қаҳрамони архитектор Андреас Ленк ўз бошидан қаттиқ изтироғни кечиради. Ўз ишдан қониқмаслик, ниҳоят бекор қилиниши оқибатида унинг ҳаёт тарзи кескин ўзгаради. Ўш шимолга кетиб, эски бир қалъани таъмирлаш билан машғул бўлади. Ўз-ўзига йўлчи тикланади. Бирга ишлаган Юлнана эса унинг қалбини ўзига ром этади.

Романининг номи Мориско — гўзал отнинг лақаби. Бу эрксевар жонот ҳақидаги фикр Ленкин бир минут ҳам тарк этилмай. Мориско унинг учун ўш мустанлиги йўлида кураш тисолига айланади.

Роман ГДРда жуда машҳур бўлиб кетди. «Веллманнинг янги романи оят мураккаб китобдир. У ўз ўнв-чиларидан катта муҳаббат билан ўқини талаб этади. Роман шубҳасиз ГДР адабиётидеги сезиларли ютуқ бўлди». «Нойе Дойче литератур» журналининг таъризиеси Хельмут Балдуфнинг бу сўзларини кўчқиликнинг фикрини ўнда мужасамлаштирган.

Темур ИҶЛДОШЕВ.



«Ўзинг инқилобсан, эй, Аҳмад Зоҳир...»

Ҳар бир халқнинг машҳур бўлган сеvimли санъаткори бўлади. Бу санъаткор ўзининг юксак истеъдоди ва қобилияти билан на фақат ўз халқига хизмат қилади, балки умумжаҳон ва ёки маълум регионларда яшовчи халқларга муштарак ардоқлидир. Поль Робсон, Шалалин, МуллауҶийи Тошмухамедов, Шуккур Бурхонов, Жўрабек Муродов... Бу номларни истаганда давом этириш мумкин. Бундай санъаткорлар фақат санъат аҳли тор доираси учун ардоқли бўлмасдан улар ҳақида адабиётда ҳам талайгина асарлар яратилган, бу санъаткорларнинг номлари халққа хизмат, Ватанга садоқат, санъатга меҳр, чексиз меҳнат рамзи сифатида ҳам қолмоқда.

Афғонистон Республикаси санъат аҳлидан ана шундай шухратга хонанда, композитор Аҳмад Зоҳир эришган. Унинг шухрати фақатгина ўз юртида эмас, балки бошқа қўшни мамлакатлар, жаҳон аҳли санъат мухлис-ларининг эҳтиромига сазовордир.

Қобул шахрининг шахидлар қабристонидеги бир мармар қабр тошда 1980 йил 4 июнда, ўзининг туғилган кўнида 33 ёшда жаҳолат ва разолат қурбони бўлган Аҳмад Зоҳирнинг фожияли вафотини аёнлашувчи ёзу бор. Айни қамолот ва ижод пайтида ваҳ-шияларча ўлдирилган бу санъаткор афғон халқи санъатининг рамзи, қўшиқчилигининг гулжон сифатида, айтимай қолган қўшиқ, жаҳолат қурбони белгиси сифатида қолган. Бутунг кўнда қарийб ҳар бир ўзбек хонадонида ҳам Аҳмад Зоҳир куйлаган қўшиқларнинг мағнит лентаси бор. Республика радио қўшиқлари тез-тез унинг дилрабо қўшиқлари янграб турибди. Шу қатори бу юксак санъаткорга эҳтиром рамзи сифатида шоирларимиз Т. Ҷўла, А. Орипов, М. Кенжа-боев, Д. Ҳасанов, Т. Қаҳҳор ва бошқалар ўш шеърларини яратганлар.

Шоир Туроб Ҷўла ўзининг «Аҳмад Зоҳир қўшиғи» шеърда бу машҳур афғон санъаткорининг бутун умри, истеъдоди ва санъати халқига бахш этилганини, унинг номи умр-боқий қолганлигини таъкидлайди. Шоир шеър-ида Аҳмад Зоҳирнинг айтимай қолган қўшиқларини, армон Ҷўла юрагининг дарди, жувонларг санъаткорининг аччиқ фожиясини беради:

Аҳмад Зоҳир лақабини мангудир,
У ўчмайди, у кўш раингидир.
У инқилоб, Саар ойн тоғидир,
Куйлаб туриб йиқилдим, қўлигизда,
Куйлаб туриб йиқилдим, йўлигизда.
Шоир Абдулла Ориповнинг «Аҳмад Зоҳирни тинглаб» шеърда бу машҳур афғон қўшиқчисининг номи шеър матнида умуман тилга олинмайди. Бироқ худди шу шеърда ҳам шоир А. Ориповнинг мавзу таллаш, уни ўқувчига етказишида юксак маҳорати сези-лади. Шеърнинг ҳар бир сатри унинг муал-лифининг ёзаётган мавзунини билиши, идрок этишидан дерак беради. Асарда шоирнинг Аҳмад Зоҳирга бўлган меҳри, садоқати, унинг фожияли тақдирдан ўқиниши, халқ-гача Шарқ халқларида мавжуд бўлган разил урф-одатлар, жаҳолатдан домонгир бўлиш, хонадоннинг бўғизда айтимай чала қолган қўшиқларини тинглаш истаги борлиги сези-лади.

Шошмагин эй карвон, тўхтагин бир он,
Сўзлайгин эзгулик, шафқат отидан.
То барпо бўлибди, кўнча бир жаҳон,
Карвонлар оқ чекер ёшлар зотидан.
Шошмагин эй карвон, тўхтагин бир он,
Умидли бу жаҳон гамаг бўлмас фарк,
Изингдан берилмаб қолмай то нолон,
Қўмиллар тағрида гоийб бўлма, Шарқ!
Шоир Мирза Кенжабоевнинг «Саар инки-лоби ва Аҳмад Зоҳир» шеъри куйидаги мис-релар билан бошланади:

Ватанда инқилоб бўлгунча содир,
Юз бергай бўғизда, қалб қафасида:
Ўзинг инқилобсан, эй, Аҳмад Зоҳир,
Афғон эли мусиқасида.

Шоир таъкидлаганидек, ҳақиқатан ҳам Аҳмад Зоҳир Афғонистон мусиқаси, қўшиқ-чилигида инқилоб яратди. Унинг сеҳрғанс қўшиқлари, меҳнат ва элга муҳаббат, севи-да садоқат туйғулари билан йўрилган дил-рабо қўшиқлари, бир-бирини қайтармас оҳанглари санъат мухлисларининг қалб тўри-да яшаб келди.

Аҳмад Зоҳирга атаб шеър ёзган ўзбек шо-ирларидан ана бири Дадодон Ҳасановдир. Унинг «Афғон қўшиқчиси Аҳмад Зоҳирнинг онасига қилган сўнги ноласи» шеърининг мавзун юқоридаги шеърлар билан ҳам-оҳандир.

Англамасди қалбимиз, баъзи юраги

Ахир дард алами йўқ қўшиқини қандай

англар!!

Бало бўлди бошимга меннинг оташ

забоним.

Тақдиримга ўт қўйди уч-тўртта гов-

гаринглар,

Ажаб дунёнинг бу терс мақомига

қаранглар,

Иқтидорлар бошида беиктидор хўнром,

Қўшиғимини йўқотдим, найлай энди

онажон!

Умидли ёш шоир Тоҳир Қаҳҳорнинг Аҳ-мад Зоҳирга бағишлаган шеъри икки қис-мдан иборат бўлиб «Аҳмад Зоҳир индиси» деб номланган. Бу улкан афғон санъаткори-га бағишлаган шеърларнинг барчасини диқ-кат билан кузатсан бир нарса ақлол кўзга ташланади, у ҳам бўлса Аҳмад Зоҳирнинг айни ижоди қайноқ пайтида, ҳали кўнлида мингларча айтимай қолган қўшиқларининг борлиги ва армон бўлиб қолганлигини тас-вирлаш ётади.


Баида исён эркини,
Озод куйлаб юрардим.
Ўлдирдилар эркинми,
Севинганим, дердимин...
Қабрида қадим Афғон,
У умиди бешиги,
Унда улут қалбларини,
Улғайтар қўшиғини.

Шеърнинг иккинчи қисми бошқа вази ва оҳангда ёзилган. Шоир Аҳмад Зоҳир вафоти фожиясини барча адолат ва эркинлик ўша пайтада Афғонистон мулкида ухлаш билан тенглаштирди. Золим Амин даврида ўлди-рилган бу санъаткор мисолида Тоҳир Қаҳ-хор эрк ва садоқатини бўйиғалигини, қўшиқ-чининг бўғизда халп айиб улғурга олмаган, куйламаган қўшиқларининг матни қолганли-гини ётади. Зотан, бу мисрелар ҳаёт ҳақиқа-тига ҳам яқин. Аҳмад Зоҳир ўлганидан ке-йин эртасига, унинг иш столида Эрон шои-ри Фаррух Яздининг «Оҳ аз он ин мамла-кате миллати озад надошт» мисраси билан бошлангандаган гезалининг матнини топшган:

Ухлар... ухлар ҳажру аламин,
Ухлар гаггини гаггини дилимда.
Қора тундай ухлар қаламим,
Пора сўзлар ухлар тилимда.

Шундай қилиб Ўзбекистон шоирларининг кўзга кўринган кекса ва ёш алодаи вақилла-ри ўз шеърларини афғон хонадаси, дилбар қўшиқларининг муаллифи, ўзидан 30 тадан ортик мағнитофонкассетасида ёқилди овози-ни мухлисларига қолдирган, қайтарилмас қў-шиқлар муаллифи Аҳмад Зоҳирга бағишла-ганликлари ўзбек халқининг афғон халқига, унинг санъатига бўлган юксак эҳтиром сифатида баҳолан мумкин.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари кандидати.



Япония кинолари ўзининг ўткир сюжет, кўтарилган масалаларнинг актуаллиги билан ҳақиқат томошабинларини ўзига жалб қилиб келган. Бунда машҳур кинорежис-сёрлар, киносценаристларнинг хизмати катта.

СУРАТДА: япониялик кино усталари ўзаро суҳбатда.

А. Глауберзон фотоси.

КЕНЖАТОЙ Олимжон уруш бош-ланганидан бир йил аввал армияга қақририлиб, Брест қалъасида хизмат қи-лаётган эди. Уруш бошлангани билан олдинига ўртанчаси Зиевдиннинг, унинг кетидан меннинг дадам Гўломжонин олиб кетишди. Олимжон амакимининг охириги хати уруш бошланганидан бир ҳафта бурун ёзилган эди, шундан бери ундан хат-хабар йўқ. Дадамнинг хатла-ри эса бизни зориқтириб, лекин бир меъёрда келиб турибди. Зиевдин ама-кимининг аҳоли мушкул: у мактабда ёлчилиб ўқимаган, тўртинчиси бир амал-лаб тугатган, далага чиқиб кетган, кечки мактабга боришни ўзига ор билган эди. Шу боис у кишидан уйғурча, қозоқча, ҳатто татарча аралаш хатлар келар, уларини эшитган сари буюмим баттар эзиларди: «Ўғлим бечора кимларга сарғайиб юрибди экан-а. Вақтида ўқий қолганида шу азоблар йўқ эди...»

шувчининг йўлига қараб ўтирган бу-вими қўзим. тушди. Мени қўриб ўри-дан турди-да, рўмонини тузатди: унинг юз-қўзида пинҳон бир қувонч зўхур этиб турарди.

— Хат келдики, буюм!

Буюмим саволимга жавоб беришдан олдин ичкарига кўз ташлади. Буюмим деразадан мўрамаётган бўлса-да сирли шивирлади.

— Замониддин, Олимжон амакини-дан олдин келган хатлардан бирини олиб қўйдим. Ҳозир олчиқиб бераман. Сен меннинг орқамдан киргинда, шу хатни буюмимга ўқиб бер. Зора енгил тортса.

Кейинги уч-тўрт кундан буюмимнинг тез-тез уф тортиб, рўмонининг учини кўзига босишига қараганда бу-вализининг аҳоли анча оғирга ўхшайди. Тонг отгунча: «Ичим куйиб кетаяпти»,

Қамол АСОМИДДИНОВ,
уйғур ёзувчиси.

Интизорлик

Хикоя

Унча тилим келишмаса-да, буюмим мен-га амакимининг хатларини ҳикоятлаб қайта-қайта ўқиттирарди. Буюмим хатни рўмонининг учини кўзларига босганича эзиллиб зинтса, буюмим худди дам олаёт-ган тоғ бургутидек гурур билан кўрар кертганча соқолининг учини йўнаб тинг-ларди. Зиевдин амакини: «Оғбимдан яраланиб, госпиталга тушиб қолдим. Сал тўзласан, беш-ўн кунга рухсат бериш-моқчи. Тез орада дийдор қўришиб қол-сан ажаб эмас», деган мазмунда хат юборганидан буюм худди сувга тушган тошдек жим бўлиб кетди.

— Бир парча хатга зориқтириб қўй-ганини, эси йўқ болаларининг... — дея зорларидан буюмим эшик олдидаги сула-да хат ташувчининг йўлига термулиб ўтираркан.

Хат ташувчига қизик экан. Буюмимнинг кўнлини гаш қилмай дердимки ёки бизнинг кўнча йўли тушмасиники, ласт-ки маҳалладан чиқиб кела туриб, тўста-дан худди ерга қириб кетганидек зим-гойиб бўларди. Уни йўқотиб қўйган бу-вими бечора буюмимни қўзиб ён-верига алавлар, бироқ кутган одамнинг топол-май баттар эзиларди. Бу орада ичкари-дан буюмимнинг кўраб қақиргани эшит-лар, буюмим орқаси йиртилиб, босилиб кетган қалишсини сураганча уйга ош-кардим.

— Қандай кўнларга қолдик, а! — дерди буюмим ўзча гўлдираб. — Битта худдо беҳабар шунча одамни қақшатиб ўтирсан-а...

Илгари менга маза эди. Кечкурунла-ри буюмимнинг иссиқ бағрига қириб, соқолимни ўйнаб ётардим. Эрталаб унинг қай пайтада туриб кетганини билмай қо-лардим. Буюмимнинг кечю-кундуз тини-ми йўқ, ҳали ўрқисор этагидеги беда-погача, ҳали ундан бериқордаги жўхори-погача югурар, ёлғиз ўзи бир неча одамнинг ишини қиларди. Бироқ буюмим жўхорини чопиқ қилаётганида тўстадан оғриб қолди-ю, шу буюмим кўрпа-тўшақ қилиб ётди. Томоғидан ҳеч нарса ў-майди, сув ичса ҳам фарғара қилиб ташлаётгандай. Эшиткан бошимни энга-штириб қирадиган буюмим уч-тўрт кун ичи-да сўлиб, қичқирай қолди. Унга сари буюмимнинг дарди-дунёси қоронғилашиб, ўчоқ бошида пик-пик йиғлайди. Мен нимча қилишни билмай ўзукуи ҳовли-да тентирейман.

— Замониддин, ўрқисордаги бедапо-гача сув очиб келмайсанми, ўғлим! Тош-лоқ жой, қақшаб кетгандир, — дерди буюмим худди ўзининг ночор аҳолидан жижолат чеккандек гуноҳкорона оҳанг-да. — Шу ётишим бўлса ҳали-верини ўр-нимдан турдиганга ўхшамайман. Беда кўриб қолса, қишда от-улов қийналади.

— Э, жингитна ёта қолсангиз-чи, — деди буюмим қойиб. — Мўшкет болани тоғ дарасидеги бедапогача ёлғиз юбо-риб бўладими!

— Ўғли бола-ку — дерди буюмим менга кўзини қисиб, — йигит одам шунча пайта кунимизга ярамаса қач-он ақсолади. Е уни боши

Микрокалькуляторлар, соатлар, телевизорлар

ХАРИД ҚИЛИШ УЧУН «ТАШКУЛЬТОРГ»
МАГАЗИНЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

«МК-36», «МК-41», «МК-51»,
«МК-49» МАРКАЛИ МИКРОКАЛЬ-
КУЛЯТОРЛАРДА ХАР ҚАНДАЙ МУРАКА-
БАБ ХИСОБ-КИТОБЛАРИНИ ОДИНИ
ЧУТТА НИСБАТАН КЎП БАРАВАР ТЕЗ
ВА АНИҚ ВАЖАРИШ МУМКИН. УЛАР-
НИНГ НАРХИ 70 СЎМДАН 180 СЎМГА-
ЧА.

МАГАЗИНЛАРИНИНГ АДРЕСИ:
4-магазин — Куйбишев шоссеси;
9-магазин — Кабулов кўчаси (Олой бо-
зори);
16-магазин — Сергели, савдо маркази;
12-магазин — Луначарский шоссеси
(марказ);
8-магазин — Навоий кўчаси («Дўстлик»
ярмаркаси);
«Чайка», «СЛАВА», «ЗИМ», «ЭЛЕК-
ТРОНИКА» СОАТЛАРИ АНИҚ ЮРИШИ,
ПУХТАЛИГИ, ЦИРОЛИ ТАШҚИ ҚУР-
ИЛИШИ БИЛАН ЭЪТИВОРИНИ ЖАЛБ
ЭТАДИ. УЛАРИНИНГ НАРХИ 25 СЎМ-
ДАН 60 СЎМГАЧА. ХОТИН-ҚИЗЛАР
ВА ЭРКАКЛАРИНИНГ ҚВАРЦЛИ ҚЎЛ
СОАТЛАРИ, СТОЛГА ҚЎЙИЛАДИГАН
ЭЛЕКТРОН БУДИЛЬНИКЛАР, «ЯН-
ТАРЬ», «СВИТЯЗЬ», «МАЯК» МАРКАЛИ
ОСМА СОАТЛАР ҚАТОР АФЗАЛЛИК-
ЛАРГА ЭГА. ҚВАРЦЛИ СОАТЛАРИНИНГ
НАРХИ 40 СЎМДАН 80 СЎМГАЧА, ОСМА
СОАТЛАРИНИНГ 20 СЎМДАН 40 СЎМ-
ГАЧА.

МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:

16-магазин — Сергели, савдо маркази;
6-магазин — Навоий кўчаси, савдо раста-
лари;
12-магазин — Луначарский шоссеси
(марказ).

ТУРЛИ МАРКАДАГИ РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОР-
ЛАРИНИ: «САДКО 280 Д» — 755 СЎМ, «ИЗУМУРД
Ц 276» — 720 СЎМ, «БЕРЕЗКА Ц 208» — 665
СЎМ, «ФОТОН Ц 274» — 720 СЎМ, «РАДУГА ТЦ
304 Д» — 755 СЎМ, «РЕКОРД ВЦ 3810» — 645
СЎМ — ТЕЛЕВИЗОРЛАРИНИ ҚУЙИДАГИ МАГА-
ЗИНЛАРДАН

ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

1-магазин — Киров кўчаси, 17;
2-магазин — Халқлар дўстлиги кўчаси, 2;
4-магазин — Куйбишев шоссеси;
8-магазин — Навоий кўчаси («Дўстлик» ярмаркаси);
6-магазин — Сергели, савдо маркази;
7-магазин — ТТЗ-2, 53-уй;
11-магазин — Мирсолихов кўчаси, 1-уй;
12-магазин — Луначарский шоссеси, марказ;
10-магазин — Жуковский кўчаси, 2-уй.

«ТАШКУЛЬТОРГ».



Бир ой ташвиш билмай

АГАР СИЗ ОЙЛИК ЙЎЛ КАРТОЧКАСИНИ
ХАРИД ҚИЛСАНГИЗ БИР ОЙ МОБАЙНИДА
АБОНЕМЕНТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ ТАШВИ-
ШИДАН ҚУТУЛАСИЗ.

ОЙЛИК КАРТОЧКАЛАРИНИНГ БАҲОСИ:
ТРАМВАЙДА ЮРИШ УЧУН — 2 сўм 40 тийин;
ТРОЛЛЕЙБУСДА ЮРИШ УЧУН — 3 сўм;
ТРАМВАЙ, ТРОЛЛЕЙБУС ВА АВТОВУСДА ЮРИШ
4 сўм;
ТРАМВАЙ, ХРОЛЛЕЙБУС ВА АВТОВУСДА ЮРИШ
УЧУН — 5 сўм;
СТУДЕНТЛАР УЧУН ТРАМВАЙ ВА ТРОЛЛЕЙ-
БУСЛАРДА ЮРИШ ҲУҚУҚИНИ БЕРУВЧИ ОЙЛИК
КАРТОЧКАНИНГ БАҲОСИ — 1 сўм 75 тийин, ўқувчи-
лар учун — 75 тийин.

ОЙЛИК ЙЎЛ КАРТОЧКАЛАРИНИ МАРКАЗИИ ВА
НИРИК БЕКАТЛАРДАГИ МАХСУС КИОСКАЛАР-
ДАН СОТИБ ОЛИШ МУМКИН.
ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ИШЛАБ ЧИ-
ҚАРИШ БОШҚАРМАСИ.



Одамлар раҳмат дейдилар

СИЗ ТАЙЕРЛАГАН ПАЛОВ, КАВОВ,
СОМСАН, БОШКА МИЛЛИЙ ВА ЕВРО-
ПА ТАОМЛАРИНИ ТАТИБ ҚУРИ,
ОДАМЛАР АНА ШУНДА МИННАТДОР-
ЧИЛИК БИЛДИРИШСА, БУНИНГ ҲАМ
ЎЗИГА ЯРАША ГАШТИ БОР.

Сиз мадани таомлар тайёрлаш ва дас-
турхон тузатиш сирларини «Зарафшон»
ресторани ҳузуридаги ОШПАЗЛАР ВА
ОФИЦИАНТЛАР МАКТАБИДА ўргани-
шингиз мумкин.

ЗАРУР ҲУЖЖАТЛАР:
маълумоти ҳақида ҳужжат,
меҳнат дафтарчаси (агар бўл-
са), паспорт.

БИТИРУВЧИЛАРГА ИШ
РАЗРЯДИ ОШПАЗ ЕКИ
ОФИЦИАНТ МАЛАКАСИ
БЕРИЛАДИ.
Қабул масалалари юзаси-
дан қуйидаги адресдаги
Тошкент ресторанида трес-
тининг кадрлар бўлимига му-
рожаат қилинг. Б. Хмель-
ницкий кўчаси, 22-«а» уй (3-
троллейбуснинг «Педагогика
институтини», 2, 6, 14-трол-
лейбуслар, 7, 11, 51, 77-
автобусларнинг «17-поли-
клиника» бекати).

ТОШКЕНТ РЕСТОРАН-
ЛАР ТРЕСТИ.

Бу ерда замонавий савдо-технология жи-
ҳозлари сизнинг ихтиёрингизда. Таълимни
тажрибали уста пазандалар олиб борадилар.
КАВУЛ ВА ТАЪЛИМ ШАРТЛАРИ
8 ВА 10-СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА,
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ПРОПИСКАСИ
БЎЛГАН ҚИЗЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИ-
НАДИ.

Ўқиш вақти: ошпазлар учун — 11
ой, официантлар учун — 6 ой.
Хар ойда 52 сўмдан 63 сўмгача стипен-
дия берилади.



КАСБ ТАНЛАЙМИЗ!

Қизларни таклиф қиламиз!

«МАИШИЙ ТЕХНИКА» МАКТАБ-МАГАЗИНИДА

СИЗ ТОВАРШУНОСЛИК, ЭТИКА, ЭСТЕТИКА БУ-
НИЧА ЗАРУР БИЛИМЛАРИНИ ЭГАЛЛАЙСИЗ. БУ БИ-
ЛИМЛАР ЗАМОНАВИЙ, МАЛАКАЛИ СОТУВЧИ БУ-
ЛИШ ЕТИШИШИНГИЗГА ЕРДАМ БЕРАДИ.

Ўқиш муддати — 6 ой, умумий стажга қўшиб ҳисоб-
ланади.

Хар ойда 63 сўмгача стипендия берилади.
10-СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА, ТОШКЕНТ ШАҲ-
РИДА ПРОПИСКАСИ БЎЛГАН ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИ-
ЛИНАДИ.

БИТИРУВЧИЛАРГА КИЧИК СОТУВЧИ МАЛА-
КАСИ БЕРИЛАДИ ВА УЛАР «ТАШХОЗТОРГ» МАГА-
ЗИНЛАРИДА БИРИДА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНА-
ДИЛАР.

Орадан бир йил ўтгач ёш мутахассислар Тошкент
совет савдоси техникумининг кечки ёш сиртки бўлимида
ўқиниш давом эттиришлари мумкин.

Зарур ҳужжатлар:

Мақтаб-магазинига кириш учун паспорт,
маълумоти ҳақида ҳужжат, 3 донга фотосу-
рат (5х6 сантиметр ҳажмида), яшаш жойи-
дан справка, «Ташхозторг» директори но-
мига ариза тақдим этиш лозим.

«Ташхозторг» адреси: Куйбишев шоссеси,
24 (кадрлар бўлимига соат 9 дан 18 гача
муурожаат қилинсин).
Мақтаб-магазини адреси: Ўзбекистон ССР
50 йиллиги проспекти, Марказ-14, 24-уй.
«ТАШХОЗТОРГ».



«Союзторгпреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг

Ўзбекистон агентлиги.

Ҳаражатлар даъвогарлардан ундирилсин!

Москва. «Литературная газета»нинг 1987 йил 2 декабрь
сонидagi «Пуртанадан кейинги пуртана» мақолисида газета
ходими Ю. Шченочкиннинг инсон иззат-обрўини ҳақорат-
лаганини ҳақидаги иш юзасидан пойтахт Сокольников райони
халқ судининг мажлиси бўлиб ўтди. Мақолада Одесса области
ички ишлар органлари томонидан Одесса шаҳар ОБХСС бош-
лиги А. В. Малишев қонунга ҳилоф равишда қаноқча олингани
ва иккинчи йил тергов изолаторида сақланганини ҳақида ҳикоя
қилинган эди. Область прокурори Зимарин ва Давлат хавф-
сизлик комитети области бошқармасининг натта оператив
вавилли Бобовский изолаторга, унинг ҳузурига нелиб, айбон
ишчиларни бадном қилувчи ҳужжатларга имзо ченишга маж-
бур қилганлар.

СССР Прокуратураси коллежисиди А. В. Малишевнинг гу-
ноҳсизлиги исботланди. Шунингдек, қонун бузилганлиги фак-
ти юзасидан жиноий иш қўзғаш ҳақида қарор қабул қилинди.
Зимарин ва Бобовский «Литературная газета»нинг редак-
цияси жойлашган Сокольников райони халқ судига даъво қи-
либ ариза бердилар. Улар газета, яъни муаллиф Ю. Шченочи-
кин бир мақоланинг ўзида уларнинг иззат-обрўини 9н уч
мarta таҳдирлади, деб даъво қилган эдилар.

Суд иккинчи кун давом этди, мажлислар зали бамисоли оташ
пурнаётган вулқонни эслатарди. Бобовский судга келгани йўн,
Зимаринга эса Одессадан келган ишчиларнинг кўпгина таъна-
ларини эшитишга тўғри келди.
Суд Зимарин ва Бобовскийларнинг даъвосини рад этиш ва
1147 сўмдан қарор суд ҳаражатларини даъвогарлардан унди-
риш ҳақида ибдор чиқарди.

СУРАТЛАРДА: уч йил давом этган «юзма-юз турмуш»
Одесса шаҳар ОБХСС бошлиги А. В. Малишев (юқоридаги су-
ратда, чапда) ва Одесса областининг собиқ прокурори В. И.
Зимарин; суд томонидан оқланган «Литературная газета»
нинг махсус мухбири Ю. П. Шченочкин (пастдаги суратда,
одининги планда, ўртада).

А. Морозовнинг фотолари,
ТАСС фотохроникаси.



Жамият ва қонун

Август ойида шаҳарда 161 безорилик, 16 қаллоблик
қайд этилди, 87 марта автомобилотранспорт олиб қочилди, 216
йўл-транспорт фалокати юз бериб, уларда 14 киши ҳалок
бўлди, 218 киши жароҳатланди, 225 марта ёнғин чиқди.

ҚОТИЛЛИК

Шу йил 30 август соат
24 дан 30 минут ўтганда Но-
вопольновская кўчасидаги
217-уйнинг 4-корпуси 12-қав-
ратсида отилган икки ўқ
овози тўн нажасида илгар-
и судланган Л. М. Перткова
ҳалок бўлди. У бундан бир
ҳафта илгари қамокдан чиқиб
келган эди. Ҳамза район ич-
ки ишлар бўлими ходимлари-
нинг қидирув ишларини уста-
лик билан ташкил этганиниқла-
ри туфайли қотилликда шуб-
ҳа қилинмаётган «Ташсельмаш»
заводининг ишчиси Г. И.
Пальчук ва II группа инвали-
ди Ю. И. Чернишов қўлга
олинди. Улардан ов милтиғи
мусодара қилинди.

Шу йил 27 август соат 2
дан 47 минут ўтганда Фрунзе
район ички ишлар бўлимининг
набатчилик қисми Раскова
кўчасидаги 4-уй яқинида ўқ
билан жароҳатланган граж-
даннинг мурдаси топилган-
лиги ҳақида хабар олганди.
Мазкур жиноят юзасидан
«Галаба»нинг 40 йиллиги
маснабдаги 41-уйнинг 4-
квартирасида истиқомат қи-
либ келган, 1970 йилда туғил-
ган Александр Витальевич
Қозлов ва 1-Ашрафий тор кў-
часидаги 11-уйда истиқомат
қилиб келган, 1958 йилда ту-
ғилган Наталья Махмудовна
Полвонова қидирилмоқда.

ЎТИРЛИКЛАР

Шундай кишилар ҳам
борки, улар магазиндан би-
рор буюмин харида қилиша-
дию, пулини тўлашни «унтиб»
қўйишади. Ҳунар-техника би-
лим юрларидан бирини би-
тирган Д. Заруцкая билан шу-
ндай бўлди. У Марказий уни-
версам магазинининг 22-
секциясида нархи 65 сўм-
лик аёллар костюмининг ўти-
рган эди. Уни миллиционер-
лар К. Кармолов ва Ф. Теша-
боев қўлга тушурдилар.

Халқлар дўстлиги кўча-
сидаги «Малиш» магазинида
уй бекаси Ш. Набиева жиноят
устиди қўлга тушди. У иш-
рин равишда 57 сўмлик бола-
лар кийимларини олиб ке-
тувчи урингиди. Магазин со-
ғувчи ва Октябрь район ич-
ки ишлар бўлими милличи
участкиси инспектори У. Са-
лимовнинг ҳушёрлиги туфай-
ли у фа ражисни амалга оши-
ролмади қолди.

«Таштекстилькомбинат»
ишчиси Ш. Матисловни ко-
роғида ҳеч қандай сезмайди,
излар бости-бости бўлиб кета-
ди, деб уйлаган бўлса керак.
У туғиш соат учларда қадрдон
комбинатидан жами 144 сўм-
лик газламаларини яширинча
олиб чиқмоқчи бўлган эди.
Аммо транспорт дарвозаси
олдида у Фрунзе район ич-
ки ишлар бўлимининг участ-
ка инспекторлари У. Қозоқбо-
ев ва Н. Калининга дуч ке-
либ қолди.

БОСҚИЧЛИЛАР ҚОЧИБ ҚОЛДИ

Шу йил 31 август ку-
ни эртаб Совет Армияси-
нинг лейтенанти формасини
кийиб олган номаълум киши
Г. Лопатини кўчасида истиқо-
мат қилувчи «М» исмли граж-
даннинг квартирасига қўн-
ғирқ қилиб ичкарига кирди.
У билан бирга қирқма қўш-
отар ов милтиғи билан бошқа
бир киши ҳам кирди. Милтиғи
ни кўриб ҳавотирга тушган
квартира эгаси ёрдам сураб
бақириб-чақира бошлади.
Жиноятчилар қочиб қочиб,
қизил «Москвич» машинаси-
да тоғиб бўлидилар.

Босқинчиларнинг белгилари:
биринчиси — рус, 30 — 32
ёшларда, бўйи 185 — 190 сан-
тиметр, қалин мўйлови бор,
оч-саридан келган, узун енгил
қўйлак, галифе шим, хром
этик кийган эди; иккинчиси
— қорейс, 27—30 ёшларда,
бўйи 170 — 175 сантиметр,
қотмадан келган, катан қўй-
лак, тўн рангадаги шим кий-
ган эди.

ЭЪТИЁТ БУЛИНГ, БЕНЗИНИ

Қилонзор массивида
жойлашган «Автохаваскор»
кооперативининг бекатида 2-
таксопарка қарашли 84 — 71
ТНА номерли «А3-24» ма-
шинасига бензин қўйиш чо-
ғида бензин буги аланга
олиб кетди. Натжида мазкур
таксопарка ҳайдовчилари Г.
Е. Кан ва Г. И. Лисенчиков
қаттиқ қўйишди ва орадан бир
неча кун ўтган куйишдан да-
волаш марказида ҳалок бў-
лишди.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАНЛАР

1971 йилда Иркутск об-
ластининг Уст-Орда ишчилар
посёлкисида туғилган, Ир-
кутск областининг Баландин
районидида Баяндай қишлоғи-
да истиқомат қилиб келган
Татьяна Чимат — Доржиевна
Жанчилова қидирилмоқда.
Миллати бурят бу аёл 1988
йил 17 июнда Тошкентга кел-
ган эди, Тошкент аэропорти
территориясида йўқолиб қол-
ди.

Белгилари: юз тузилиши му-
гулларга хос, юзи оқ, тўладан
келган, бўйи 167 сантиметр,
соқлари қора, калта қилиб
кесилган, кўзойнак тақайди.
Қизил чизикли бўлган
оқ юбка, оч яшил рангадаги
қофта, пластмасса пойабзал
кийган эди.

Ўзингиз гувоҳ бўлган жино-
ятлар, уларни содир этган
шахслар, шунингдек ўғирлан-
ган молларни сотиб олаётган
ёки сотаётган кишилар, беда-
рак йўқолганлар ҳақидаги
маълумотларни 02, 33-71-47,
36-99-10 телефонлари орқали
маълум қилишингизни сўрай-
миз.

Редактор

Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

ТОШКЕНТ ЭКСКАВАТОР ЗАВОДИ БАЗАСИДАГИ
17-УРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БУЙИЧА



Ўқувчилар қабул қилади

8-синф маълумоти билан — КЕНГ ПРОФИЛДАГИ
СТАНОКЧИ, РАҚАМЛИ ПРОГРАММА БИЛАН БОШ-
ҚАРИЛАДИГАН СТАНОКЛАРИНИНГ ОПЕРАТОРИ,
ЯРИМ АВТОМАТ ВА АВТОМАТ МАШИНАЛАРДА
ИШЛОВЧИ (пайвандлаш ишлари контролёрлари)
ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ, АВТОСЛЕСАРЬ, ТЕХНИ-
КА НАЗОРАТИ БУЛИМИНИНГ КОНТРОЛЁРИ, ЭЛЕК-
ТР КЎПРИК КРАНАЛАРИНИНГ КРАНЧИСИ, МЕ-
ХАНИКА-ЙИГУВ ИШЛАРИ СЛЕСАРИ, ДУРАДГОР
(қурувчи);

10-синф маълумоти билан — УНИВЕРСАЛ ТОКАРЬ,
ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ, РЕМОНТЧИ СЛЕСАРЬ,
МЕХАНИКА ЙИГУВ ИШЛАРИ СЛЕСАРИ.

Билим юртидаги гуруҳлар спорт билан шуғулланув-
чи ёшлар билан комплексланади.

Билим юртига қабул қилинган ўқувчилар бепул овқат,
спорт формаси ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртида ўқиш муддати — 10-синфинг битир-
ганлар учун — 10 ой, 8-синфинг битирганлар учун —
3 йил.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга иш-
лаб топган иш ҳақларининг 50 проценти тўланади.

Билим юртини муваффақиятли тамомлаган ўқувчилар
(битириб чиқувчиларнинг 10 проценти ҳисобидан) поли-
техника институтини, ҳарбий ўқув юрти, авиация техни-
куми, индустриал техникумга кириб ўқишлари мумкин.

Қолган барча ўқувчилар Тошкент экскаватор заводи ва
В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш
бирлашмасига ишга юбориладилар.

Билим юрти энг замонавий техника асбоб-ускуналари
билан мукамал жиҳозланган кабинетларга эга. Музика
ва қўшиқ шайдолари бадиий ҳаваскорлик тўғрисида
шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб
берилади.

Билим юртида стадион, спорт зали мавжуд бўлиб,
спортнинг барча турлари бўйича секциялар ишлаб ту-
рибди.

ДИҚҚАТИ 1988-1989 ўқув йилидан бошлаб асосий
касба қўшишча суратда I, II, III курс ўқувчилари авто-
мобиллар тузулишини ҳам ўрганадилар ва уларга «С»
категорияли транспорт воситалари ҳайдовчиси гувоҳно-
маси берилади.



Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:
ариза, туғилганлиги ва маълумот ҳақидаги гувоҳномалар,
ота-онасининг иш жойидан ва медицина справкалари, 6
донга фотосурат (4х5 ёки 5х4 см ҳажмида), ўқиш жойи-
дан харахтеристика.

Адрес: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Со-
диқов кўчаси 6-уй, (4, 5-троллейбусларнинг «Экскава-
тор заводи» бекати). Телефонлар: 68-67-08, 68-67-09.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ
ТУРИЗМ ВА ЭКСКУРСИЯ-
ЛАР СОВЕТИ
ЭКСКУРСОВОДЛАР
ТАЙЕРЛАШ КУРСЛАРИ-
ГА

ТИНГЛОВЧИЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ
ДАВОМ ЭТТИРАДИ
Экскурсоводлар тайёрлов
курсида 45 ёшгача бўлган,
олий маълумотли кишилар
қабул қилинади. Ўқишга қа-
бул вақтида ўзбек тили ва
чет тилларини билган киши-
лар биринчи навбатда ниобат-
га олинади.

Ўқиш муддати — 8
ой.
Маъгулотлар — ҳафтаси-
га икки марта, соат 18.30

13—16 СЕНТЯБРЬ КУН-
ЛАРИ УТАДИГАН ЭР-
КАКЛАР ПОЯБЗАЛ-
ЛАРИНИНГ САВДО-
ҚУРГАЗМАСИГА МАР-
ҲАМАТ!

БАҲОР ВА КУЗ МАВ-
СУМЛАРИГА МЎЛЖАЛ-
ЛАНГАН ЭРКАКЛАР ПО-
ЯБЗАЛЛАРИНИНГ (Ен-
гил саноат министрлиги қор-
хоналарининг маҳсулотини)

САВДО — КЎРГАЗМАСИ
«ТАШОВУВТОРГ»НИНГ
3-МАГАЗИНИДА БЎЛИВ
УТАДИ.

Магазин адреси: Лисунов
кўчаси, 1-«а», 62-уй (48, 72-
автобусларда боса бўлади).
«Кадиев номидаги авто-
станция» бекати).

Иш вақти соат 10 дан 20
гача, танафус соат 14 дан
15 гача, дам олиш кунини —
якшанба.

«ТАШОВУВТОРГ».

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА»
БУТУНИТТИФОҚ БИР-
ЛАШМАСИНИНГ ЎЗ-
БЕКИСТОН АГЕНТЛИ-
ГИ.

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗ-
БЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТ-
ТА ТЕАТРИДА — 13/IX да Фа-
уст, 14/IX да Севги ҳақида аф-
сон.

МУЖИНИ НОМИДАГИ ЎЗ-
БЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕ-
АТРИДА — 12/IX да Хотинин-
нинг эри, 14/IX да Олифга,
ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАР-
ДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА —
13/IX да Қора қалар (19.00),
14/IX да Келинлар қўзғололи
(19.00).



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ-
ДА — Москва цирки артистла-
ри иштирокда янги програм-
ма (13, 14, 15/IX да 19.30 да).



12 СЕНТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
Санъат саройи — «КИНГ-
КОНГ» (18.30, 21.00).
«ХАМИША БИРДАЙ БУЛА-
ВЕРМАЙДИ», «НОФЕЛЕТ КА-
ЕРДА ЖОЙЛАШГАН» (17.
20.00).

Чайка — «АЛЛО, ТАКСИ»
(17, 19, 21.00);

Москва